

Filologiya

УДК: 821.512.133

ИЖОДИЙ НИЯТНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ТАЛҚИН ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Н.Тўраева

Гулистон давлат университети

E-mail: torayeva_8383@mail.ru

“Ижод жараёни ҳам фақат дунёқарашдан, фантазиядан, ёхуд биргина талант билан интуициядан бошланмайди. Балки буларнинг барчаси ва шуларга ўхшаш бошқа муҳим омилларнинг ҳаммаси бир-бирига қўшилиб, яхлит ва актив жараёнга айланишидан бошланади”(Адабиёт назарияси, 1978)

Мураккаб ижодий жараён қай даражада амалга ошиши асарнинг бадиий етуқлигини таъминлашга асос бўлади. Ижодий жараён ҳамма ёзувчида ҳар хил кечади. Ҳар бир ёзувчининг ўзини ижодий лабораторияси бўлиб, бу жараён унинг услубини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Бадиий адабиётни ижодкор яратган асар ташкил қилар экан, унинг қай даражада юзага келганлигини – ижодий жараёнини ўрганмасдан туриб бу асар ҳақида бирор илмий хулосага келишимиз мушкул. Ижодий жараён билан боғлиқ П.Медведевнинг “Ёзувчи лабораториясида”(1971), Б.Мейлахнинг “Ёзувчи таланти ва ижодий жараёнлар”(1969), М.Б.Жерапченконинг “Лев Толстой санъаткор сифатида”(1970), “Ёзувчининг ижодий индивидуаллиги ва адабиётнинг тараққиёти”(1971), Иззат Султоннинг “Ёзувчи ижодининг пафоси ва бадиий асар”(1986), Т.Бобоевнинг “Дунёқараш ва ғоявийлик”(2002), П.Қодировнинг “Ижод жараёни”(1978), Н.Раҳимжоновнинг “Бадиий асар биографияси”(2008) каби тадқиқотларда бу масала атрофлича ўрганилган. Тадқиқотда матн таҳлили ва қиёслаш методларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Миллий насримиз тараққиётида Маҳмуд Таробий тарихий кўзғолонини бадиий акс эттирган ёзувчиларимиздан Ойбекнинг “Маҳмуд Таробий” драматик достони, шу асар асосида яратилган “Маҳмуд Таробий” либреттоси ҳамда “Ғалвирчи” ва “Халқ қалқони” песалари, Миркарим Осимнинг “Маҳмуд Таробий” қиссаси, Асад Дилмуроднинг “Маҳмуд Таробий” каби асарларнинг ўрни алоҳида. Ҳар бири ўзига хос тарзда бадиийлаштирилган Таробий кўзғолони, Маҳмуд Таробий образи ёзувчилар яшаган давр руҳига мос тарзда яратилган. Улар мўғулларга қарши бу курашни ўзлари яшаган муҳитдан келиб чиқиб, тарихий ҳақиқатни бадиийликка йўғириб китобхонга тақдим қилганлар. Тўғри, эрк ва озодлик учун халқимизнинг мардонавор курашлари турли даврларда ўзининг ҳолисона баҳосини олган, деб айта олмаيمиз. Мустақиллик берган энг асосий неъматлардан бири шу бўлдики, тарихга нигоҳ, аждодларимизга бўлган тўғри муносабат ўз қадрини топди.

Асад Дилмурод 80-йиллар сўнгида Маҳмуд Таробий кўзғолонига мурожаат қилар экан, бу асарида тарихий ҳақиқатни беришда тарихий воқеалар билан боғлиқ фактларни синчиклаб кузатганлиги, ўрганганлиги кўриниб туради. Буни адиб ижодий лобароторияси билан боғлаб ўрганадиган бўлсак, асар ёзилиши давомида ёзувчи икки бора қадим Бухорога сафар уюштиргани, Тароб қишлоғини ўз кўзи билан кўриб, кўҳна харобалар билан юзлашиб, олис ўтмишни қалбан ҳис қилиб тасвирларни бадиийлаштирганини англаш қийин эмас. Ёзувчининг ижодий лобароториясидаги асарнинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ мулоҳазалари бевосита китобхонда давр руҳини ҳис қилишга бир мунча бўлсада имконият яратади.

А.Д. - Дастлаб Маҳмуд Таробий кўзғолонига 750 йил тўлиши муносабати билан мозийшунос Лукмон Бойматов “Ёшлик” журналида бостирган туркум мақолалар кўнглимга чўғ ташлаганди ва тангри назар солган бу беназир сиймони ғойибона ёқтириб қолувдим. Ростдан ҳам бадиий ният ўша баҳона туғилган, оромимни ўғирлаган ва эстетик заруратга эврилган эди.

Ижодий жараён билан боғлиқ тадқиқотлар муаллифларидан бири А.Цейтлин ижодий жараённинг тадқиқотини ёзувчининг ижтимоий қиёфасидан, унинг этиқодини дунёқарашини

текширишдан бошлайди (Цейтлин, 1968). П.Медведев эса, ёзувчи ижодхонасидаги гапни ижодий фантазия билан боғлиқлигини айтади. "...Ижодий фаолиятнинг асосий жойи, бош белгиси - конструктив ижодий тасаввурдир" (Медведев, 1971). Тадқиқотчилардан яна бири Ю.Оклянский ёзувчининг ижодий жараёни қаердан бошланиши ҳақида фикр юритар экан, у "Ёзувчининг ижодий иши, кўришдан бошланади. Кўриш – ҳаётдаги маънолар ва образли элементларни интуитив бир тарзда илғай билиш демакдир. Интуиция эса ҳар қандай талантнинг биринчи асоси ва ибтидосидир..." (Оклянский, 1973). Ўзбек адабиётшуносларидан Иззат Султон ижод жараёнида эҳтироснинг ўрни катта эканлиги ҳақида айтади: "Ёзувчи ўз асарини беэҳтирос, бефарқ ёзолмайди. Ҳар бир асарга ҳарорат берган эҳтирос эса ёзувчининг бутун ижодини ва маънавий ҳаётини ичидан тўлдириб турган интилишнинг, фидокорликнинг, қисқаси, зўр эҳтироснинг учкунидир" (Султонов, 1986).

Асад Дилмурод мана шундай мураккаб ижодий жараён давомида юзага чиқарган "Маҳмуд Таробий" романинг бош қаҳрамони ўз жонини ватани, халқи учун фидо қилган, мўғулларга қарши аёвсиз курашларда мардонавор жанг қилиб ҳалок бўлган миллий қаҳрамон – Маҳмуд Таробийдир. Ёзувчининг асардаги ҳар бир яратган образи унинг қалбидан, бутун вужудидан сизиб чиқади, уларнинг ҳар бирини руҳий олами билан бирга юзага чиқаради. Жумладан, Маҳмуд Таробий образи ҳам асарда оддий оиладан чиққан меҳнаткаш, кўнгли очик, самимий, шу билан бирга жисмонан бақувват, ғурурли инсон сифатида тасвирланади. У умри давомида мўғул босқинчилари билан бирга маҳаллий амалдорларга қарши озодлик учун курашади. Кўриниб турганидек, она халқимиз тарихида таҳсинга сазовор инсоний сифатлари билан чуқур из қолдирган ва беназир ҳурлик мақомига эришган Маҳмуд Таробийдек улуг зот замонага қайтиш, руҳий олами рангларини топиш, ҳаётий масалалари тубига етиш, оқу қора ва аччиғу чучук моҳиятига муносабати ва салоҳияти миқёсини белгилаш ёзувчи учун мутлақо осон кечган эмас. Нима бўлганда ҳам адиб шахсини белгилувчи тафаккур ва тасаввур, интеллектуал дунёқараш ва малака, бадий маҳорат ва маънавий эҳтиёж доирасида тасвирланган. Яна ёзувчи ижодий лабораторияси билан боғлиқ ҳолда, Асад Дилмурод ижодига назар ташлайдиган бўлсак, унинг фақат янгича замонавий йўналишдаги асарларидагина эмас, балки тарихий асарларида, жумладан, "Маҳмуд Таробий" романида ҳам матн тасаввуфдан тўйинган, мазкур таълимот унсурларига суянган ҳолда, реал ва нореал ҳаётни ёнма-ён тасвирлайди.

Асарда Маҳмуд Таробий образи ўзига мададкор, деб биринчи навбатда Оллоҳни биладиган образ сифатида гадалантирган. Унинг ёди доимо кўнглида бўлиб, ҳамма ишга Оллоҳнинг мадади билан киришади. Иброҳим Таробий, Шамсиддин Маҳбубийдек иймонли ва эътиқодли зотларни ўзига устоз билиб, доимо улардан маънавий кўмак олиб, оқилона маслаҳатлари билан иш тутайди. Асад Дилмурод ижодий услубининг ўзига хослиги бадий асар такомилида руҳий ҳолат тасвири, ички кечинмалар, психологизм биринчи ўринда туради.

Адиб ўз ижодий услубига кўра Маҳмуд Таробий образини яратар экан, унинг руҳий дунёси, ички кечинмалари, ўй-хаёллари орқали моҳият сари интилади. Бевосита тасаввуфий руҳ образ вужудига сингдириб юборилади. У руҳий ғолиб бўлишни истайди. У иймон одами, эътиқод кишиси бўлишни истайди. У ҳар қандай шароитда ҳам иймон-эътиқодини сотмайди ва пок сақлайди. "– Ур, иним, ура қол, бас, маҳтал қилма! – деди Маҳмуд Таробий унга тик қараб. – Бу жон омонот, омонат жонни шундай кунда топширмасам, қачон топширамен?! Эсимни таниганимдан бери орзу қилдим Оллоҳ дийдорига етишмакни, шул саодатни сенинг қиличингдан буюрган экан! Ур, ура қол, маҳтал қилма!" (Асад Дилмурод, 1998) У аёвсиз курашда жисмонан мағлуб бўлсада, маънан ғолиб эди. Ёзувчи томонидан Маҳмуд Таробийнинг ўлими жуда таъсирли қилиб тасвирланади. У аёвсиз кечган курашда душман қўлида эмас, аксинча манфур Оловхон Юсуфдек сотқин ватандоши чанғалида ҳалок бўлади. Оловхон Юсуфнинг қилмишига яраша аянчли тақдири ҳам ёзувчи томонидан тўғри ажр қилинади.

Шу ўринда жаҳон адабиётига назар ташлайдиган бўлсак, таниқли рус ёзувчиси А.С.Пушкиннинг "Капитан кизи" қиссасидаги Дон казаги Емельян Пугачёв образи ҳам қайсидир жиҳати билан Маҳмуд Таробий образига яқин туради. У ҳам оддий деҳқон оиласидан чиққан, озодлик йўлидаги халқ қўзғолонининг етакчилари сифатида жаҳон адабиётида ўзига хос ўринга

эга. Оддий оиладан чиққан бу икки образ ҳам бадиий асарда юрт озодлиги йўлида халқни бирлаштириб уларга йўлбошчилик қилган матонатли қахрамонлар сифатида гавдалантирилган. А.С.Пушкиннинг “Капитан кизи” қиссасидаги Емельян Пугачёв образига хос жиҳатларни ундаги жасорат, ўз халқига бўлган меҳр ва муҳаббатдан англаш қийин эмас. Образни ўз менталитетидан келиб чиқиб таҳлил қилар эканмиз, оддий халқ устидан ҳукмронлик қилаётган ҳукумат ва маҳаллий амалдорларга қарши исён кўтаради. Халқ орасидан чиққан оддий вакил сифатида уларга йўлбошчилик қилиб, адолат тарафдори сифатида майдонга чиқади. “Маҳмуд Таробий” ва “Капитан кизи” асарларидаги бундай муштараклик икки асарда ҳам бош қахрамон характери шакллантиришда кўзга ташланади. Ёзувчи Маҳмуд Таробийнинг жасоратини, баҳодирлик фазилятларини юзага чиқаришда душман тилидан айтилган фикр асосида унга хос жиҳатни асарнинг кулминациясига кўтаради. “Чигатой Жаҳонгир отаси бола-бақраси ва ҳарамини чўктирган, сўнгра ўзи қутуриб оқаётган дарёга тиккасига от солган султон Жалололдин Мангубердини қанчалар олқишлаганини ҳали-ҳали яхши эслайди. Мана бу гапи қулоғига сирғадек тақилиб қолган: “Саркарданг хиройи шундоғ бўлса! Бунақаси билан ҳеч қачон хорлик ютмайсан!” Ҳозир ичидан қиринди ўтаётганда ўша таҳсин ва эътирофни яна хотирлади. Кўш қилич билан барабар чопқилашаётган Маҳмуд Таробийга бир ҳавас, бир ҳасад билан тикилди, афтини буруштириб ғудрандики: “Тангри қасамки, бу инсон отам белини синдираёзган Жалололдиндан асло қолишмагай!” (Асад Дилмурод, 1998). Ёзувчи Чигатой тилидан айтилган тан бериш маъносидаги бу гапнинг тарихий ҳақиқатга мос шаклда бадиийлаштиради.

Бундай тарихий ҳақиқатнинг бадиий тасвирини беришда ёзувчи асар бадииятини табиийликдан узоқлашмаган ҳолда, мақсадига эришиши учун қахрамоннинг ички дунёсига чуқурроқ кириб бориши зарур. “Адабиёт ва санъатда буюк тарихий шахслар образини яратишга бўлган мойилликнинг асосий сабаби – улар ўзларининг бетакрор шахсияти ва фаолиятида биз учун унут бўлаётган тарихнинг жонли ҳамда ишонарли қирраларини ташишлигидадир” (Аҳмедов, 1989). Зеро, тарихий асар ёзаётган ёзувчи асарига тарихий фактни асос қилиб, асосий жиҳат – унинг бадииятини акс эттириши шу асарнинг эстетик кучини ташкил этади. Асад Дилмурод бу асарида ана шу эстетик кучни ярата олди.

Адабиётлар рўйхати:

- Адабиёт назарияси. Итом. Ижодий жараён. - Т., 1979. - Б. 92.
Цейтлин А.Т. Труд писателя. – М., 1968. С.33-59.
Медведев П. В лаборатории писателя. – М., 1971. – С.17.
Оклянский Ю. Рождение книги. - М., 1973. - С.20.
Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т., Ўқитувчи. 1986. - Б.166.
Асад Дилмурод. Маҳмуд Таробий. Шарқ. - Т., 2008. - Б.285
Нурилла Аҳмедов. Тарихий шахс талқини. - Адабиёт ва санъат. Т., 1989. -Б.4

Аннотация

ИЖОДИЙ НИЯТНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ТАЛҚИН ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Тўраева

Мақолада реал тарихий шахснинг бадиий идрок ифодаси – образлилик, қахрамон психологизми ва ёзувчининг бадиий маҳорати масаласи ижодий жараён билан боғлаб тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: тарихий ҳақиқат, эстетик идеал, миллий наср, образ, психологизм.

Аннотация

СВОЙСТВА ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЭСТЕТИЧЕСКОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ В ТВОРЧЕСКОЙ НАМЕРЕНИИ

Д.Тураева

В данной статье рассмотрены вопросы психологизма главного героя и художественное мастерство писателя в духе национальной идеи на основе научных источников.

Ключевые слова: историческая правда, эстетический идеал, национальная проза, образ, психологизм.

Summary

CHARACTERS OF ARTISTIC - ESTHETIC INTERPRETATION IN CREATIVE VILLAINS

D.Turaeva

In the article the psychology of the main hero and the issue of the writer's or artistic skill were investigated of the spirit of national idea based on scientific resources.

Key words: historical truth, national prose, aesthetic ideal, character, psychologism.